

“Умумжаҳон пул ҳафталиги” (Global Money Week) доирасида ёшлар ўртасида видеоролик яратиш бўйича ўтказиладиган танлов НИЗОМИ

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур Низом “Умумжаҳон пул ҳафталиги” (Global Money Week) доирасида ёшлар ўртасида видеороликлар танловини (бундан буён матнда Танлов деб юритилади) ўтказиш бўйича муносабатларни тартибга солади.

1.2. Марказий Банк томонидан Танлов инфор­мацион видеороликларни яратиш орқали банк хизматлари тўғрисидаги молиявий саводхонлик ва билимларни ошириш мақсадида ўтказилмоқда.

1.3 Танловда банк хизматларининг кундалик ҳаётимиздаги ўрни, ва­зифалари, улардан тўғри фойдаланишнинг мазмун ва моҳиятини очиқ берувчи энг яхши видеоролик аниқланади.

2. ТАНЛОВ МАҚСАДЛАРИ

Танлов банк маҳсулотлари ва хизматлари тўғрисидаги ахборотларни ўрганиш, шунингдек, ёш авлод ўртасида шахсий молияни бошқариш кўникмаларини шакллантириш ва молиявий маданият даражасини ошириш мақсадида ўтказилади.

3. ТАНЛОВ МАВЗУСИ

Танлов икки номинация бўйича ўтказилади:

1. "Банк картаси қулай»

2. "Кредит тарихи нима?»

Муаллиф асосий банк маҳсулотлари/хизматлари ҳақида тушунчасини видеолавҳа орқали етказиши керак.

4. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

Танлов коллеж ва лицей ўқувчилари ҳамда олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ўтказилади.

Танловда видеолавҳа учун масъул шахс кўрсатилган ҳолда ҳам яққа, ҳам жамоавий ишлар қабул қилинади.

5. ТАНЛОВНИНГ ТЕХНИК ШАРТЛАРИ

Танлов мавзусига мос равишда ҳар қандай суръатга олиш воситалари ёрдамида суръатга олинган (яратилган) видеолар танлов учун тақдим этилади.

Видеолавҳаларга қўйиладиган талаблар:

- Видео формати: AVI, MPEG-4, MP3
- Видеолавҳа параметрлари: 720р, 360р ва 240р (ҳажм кенглиги энг камида 640 пиксел; баландлиги энг камида 240 пиксел)
- Видеолавҳа давомийлиги -1.5 дақиқагача.
- Видеолавҳанинг охирида муаллиф номи (гуруҳ рақами), институт (факултет) номи ва видеолавҳа номи кўрсатилган маълумот экранда акс эттирилиши керак.
- Иштирокчилар видеолавҳанинг форматини ўзлари белгилайдилар (хикоя, ҳисобот, мусиқий видео, мултфилм ва бошқалар).

Асарларда учинчи шахсларнинг ҳуқуқларини бузилишига йўл қўйилмаслиги ва / ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид бўлган маълумотлар бўлмаслиги керак.

6. БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

Танловга тақдим этилган ишлар ҳакамлар ҳайъати томонидан қуйидаги баҳолаш мезонларига асосан баҳоланади:

- ишнинг эълон қилинган мавзуга мувофиқлиги;
- видеонинг ижодкорлиги (ғоянинг янгилиги, оригиналлиги);
- ахборотлилиги;
- эстетик фазилатлар

7. ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА ВА ТАНЛОВ ҲАЙЪАТИ

Танловнинг ташкилий қўмиата аъзолари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ходимларидан ташкил топиб, улар қуйидагиларни амалга оширадилар:

- иштирокчиларнинг аризалари ва танлов ёзувларини йиғиш;
- танловга тақдим этилган ишлар, материаллар ва ҳужжатларни, шу жумладан плагиат учун ишларни текширишни баҳолаш мезонларини аниқлаш ва текширишни ташкил этиш;
- танлов тартиби ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни таъминлаш;
- танлов ғолибларини рағбатлантириш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- танловнинг Марказий Банк каналларида ахборот таъминоти.

Ишларни баҳолаш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки вакилларида иборат танлов учун ҳакамлар ҳайъати тузилади. Видеолавҳа 5-банд шартларига мос бўлмаса, Танловнинг ташкилий қўмита аъзолари муаллифни огоҳлантиришсиз Танловдан чиқаришга ҳақли. Танлов ташкилий қўмитаси муаллифни хабордор этмасдан ва унга қўшимча ҳақ тўламасдан, ҳар қайси видеолавҳаларни тўлиқ ёки қисман чоп этишга, шунингдек, улардан тадқиқот ўтказишда фойдаланиши мумкин.

8. ТАНЛОВ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ

Танлов ишлари **2020 йил 12 февралдан 16 апрелгача** қабул қилинади. Танлов якуний санасидан кеч топширилган ишлар танловда иштирок этишига йўл қийилмайди.

Танловда иштирок этиш муаллиф танлов шартларига рози эканлигини билдиради.

Муаллиф ўз асарларидан Марказий банк молиявий саводхонлик каналлари ёки ижтимоий тармоқларига жойлаштириш учун автоматик равишда ўз розилигини беради.

Ғолибларни танлаш тартиби:

1. Танлов ҳайъати, аризалар қабул қилишнинг якуний санасидан сўнг, талабалар орасида учта энг яхши танлов ишларини танлайди.
2. Икки тоифадаги учта энг яхши видеолавҳа ижтимоий тармоқларда очик овоз бериш ва ғолибни аниқлаш учун эълон қилинади.
3. Танлов натижалари асосида икки нафар ғолиб аниқланади.
4. Ташкилий қўмита 5-бандда кўрсатилган танлов шартларига жавоб бермайдиган ёзувларни кўриб чиқмайди.
5. Видеолавҳалар қайтиб берилмайди. Танловда иштирок этиш ва унинг натижалари бўйича апелляциялар қабул қилинмайди.

Совринлар:

1-ўрин: *ноутбук HP Pavilion*

2-ўрин: *телефон Samsung S10*

3-ўрин: *Марказий банкдан эсдалик мукофоти*

9. АРИЗАНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

Танлов иштирокчилари ўз видео ва иловаларини электрон почта орқали юборадилар: **communication@cbu.uz** ва **konkurs.cbu@gmail.com** (мавзу сатрида **"Global Money Week танлови"** номи албатта бўлиши керак), шунингдек, электрон воситаларда шахсан етказишлари мумкин.

АРИЗА ШАКЛИ

Иштирокчи(лар) нинг тўлиқ исми	
Ўқиш жойи (таълим муассасасининг номи, манзили)	
Алоқа учун телефон рақами	
Уй манзили	
Электрон почта манзили	
Коллеж, лицей ва олий таълим муассасалари раҳбарларининг тўлиқ исмлари ва телефон рақамлари	